

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

ҲУКМ

2022 йил февраль ойининг 10 куни жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман суди, ўз биносида, ВКА режимида, очиқ суд мажлисида, судья Б.Икрамовнинг раислигида, З.Маликовнинг котиблигида, М.Абдусалиев таржимонлигида, тарафлардан давлат айбловчиси - Яшнобод туман прокурори ёрдамчиси С.Акилов, судланувчи М.Сангинова (Деҳқонова) ва унинг ҳимоячиси адвокат А.Хусанбоевнинг иштирокида [REDACTED] оид 1-1009-2202/112-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] 2001 йил 2 майда Тошкент вилоятида туғилган, миллати лўли, фуқаролиги бўлмаган шахс, маълумоти йўқ, турмушга чиқмаган, бир нафар уч ёшга тўлмаган вояга етмаган фарзанди бор, муқаддам судланган, жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судининг 2021 йил 26 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланиб, 4 йил 6 ой озодликни чеклаш жазоси тайинланган, ўталмаган жазо муддати 4 йил 5 ой 14 кунни ташкил қилади, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар, “METALLURG” МФЙ, Беруний кўчаси, 53-уйда яшовчи, мазкур иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 2021 йил 27 декабрдаги ажримига асосан эҳтиёт чораси қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирилиб, қидирув эълон қилинган, жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судининг 2022 йил 9 январдаги ажримига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 221-моддаси тартибида 2021 йил 8 январдан қамоқда сақланмоқда, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 2-қисми “в” банди, 169-моддаси 3-қисми “а” банди, 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни



АНИҚЛАДИ:

██████████ ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2021 йил 28 июль куни соат 13:20 ларда Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, “Қўйлиқ деҳқон бозори”ни ичида жойлашган 163-сонли дўкон ичидан Г.Менгқобиловага тегишли бўлган баҳоси 200.000 сўмлик қаймоқ рангли аёллар кийимини ўғирлаб олиб, воқеа жойидан яширинган.

Бундан ташқари, ██████████ жиноий фаолиятини такроран давом эттириб, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2021 йил 28 июль куни соат 13:40 ларда Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, “Қўйлиқ деҳқон бозори”ни ичида жойлашган 164-сонли дўкон ичидан А.Нугмановга тегишли бўлган жами баҳоси 480.000 сўмлик 5 дона кичик ўлчовли аёллар кийимларини ўғирлаб олиб, воқеа жойидан яширинган.

Бундан ташқари, ██████████ жиноий фаолиятини такроран давом эттириб, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, жиноий шериги Г.Тобоева (*жиноят ишининг унга оид қисми алоҳида иш юритувига ажратилган*) билан ўзаро тил бириктириб, 2021 йил 28 июль куни соат 14:00 ларда Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, “Қўйлиқ деҳқон бозори”ни ичида жойлашган 281-сонли дўкон ичидан У.Мирзакаримовага тегишли бўлган жами баҳоси 500.000 сўмлик икки жуфт аёллар кийимини қора рангли сумкаси ичига солиб, Г.Тобоева эса баҳоси 450.000 сўмлик аёллар кийимини эғнида бўлган қора рангли кийимининг ичига яшириб ўғирлаб олиб, воқеа жойидан яширинган.

Судланувчи ██████████ суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, у 2021 йил 28 июль куни эрталаб соат 08:00 ларда дугонаси Тобоева Гулшан Хамид қизига Тошкент шаҳар Бектемир туманида жойлашган “Қўйлиқ деҳқон бозори”га бориб, бозорда биргаликда ўғирлик қилишни таклиф қилганини, Гулшан унинг таклифига рози бўлганини, кейин улар биргаликда Бектемир туманида жойлашган “Қўйлиқ деҳқон бозори”га соат тахминан 13:00 ларда бориб, 163-сонли дўконга киришганини, дўкон сотувчиси кейинчалик унга маълум бўлган Г.Менгқобиловадан аёллар кийимларининг нархини сўраганини, шу пайт дугонаси Гулшан дўкондан чиқиб кетганини, у эса дўконнинг ичида қолиб, ўша ерда бўлган бир дона узун бўйли аёллар кийимини ўғирлаб олиб, кўлидаги қора рангли сумкасининг ичига солиб, дўкондан чиқиб кетганини, шундан сўнг улар ўша ерда бўлган бошқа дўконга киришганини, дўконда рус миллатига мансуб, кейинчалик унга маълум бўлган А.Нугманов савдо қилиб турганини, кейин улар дўкондаги кийим-кечакларни кўришганида, уларга қора рангли аёллар кийими ёқиб қолганлиги сабабли, Гулшан ушбу кийимни



кийиниш хонасида кийиб кўрганини, бу вақтда у сотувга қўйилган 5 дона аёллар кийимини ўғирлаб, сумкасига солиб қўйганини, Гулшан кийган кийими нархини сўраганида, А.Нугманов 300.000 сўм туришини айтганини, сўнг уларда бундай пул йўқлигини айтиб, дўкондан чиқишганини, шундан сўнг у Гулшан билан бирга 281-сонли дўконга киришганини, ушбу дўконда кейинчалик унга маълум бўлган У.Мирзакаримова савдо қилиб турганини, дўкон ичини айланиб юришганида, сотувчи У.Мирзакаримова чалғиб турганлигини кўриб, пайтдан фойдаланиб, Гулшан витринага илинган аёллар кийимини бир жуфтини олиб, эгнида бўлган кийимининг ичига тиқиб олганини, у эса икки жуфт аёллар кийимини олиб, қўлидаги сумкасига солиб қўйганини, кейин улар ҳеч нарса кўрмагандек, дўкондан чиқиб кетишганини, дўкондан чиқиб яна ўғирлик қилиш мақсадида бозорни ичида айланиб юрган вақтида, уларнинг ёнига 281-сонли дўкон сотувчиси У.Мирзакаримова келиб, унинг дўконидан ўғирлаган кийимларни қайтаришни сўраганини, у ўша ерда У.Мирзакаримова билан жанжаллашиб кетганини, шундан сўнг ИИБ ходимлари келишганини ва уларни ИИБ биносига олиб кетишганини, улар мазкур ҳолат бўйича тушунтириш хати ёзиб бериб, ўғирланган буюмларни ИИБ ходимларига топширганини, унинг Г.Менгқобилова ва А.Нугмановларнинг дўконидан кийим ўғирлаганини Гулшан кўрмаганини, мазкур дўконлардаги ўғирликни фақат бир ўзи содир қилганини, Гулшан фақат У.Мирзакаримованинг дўконидан бир дона аёллар кийимини ўғирлаганини, шунингдек, Гулшан унга кийимларни ўғирлашда ҳеч қандай ёрдам бермаганини, ҳозирда у жабрланувчи-фуқаровий даъвогарлардан кечирим сўраганини, жабрланувчи-фуқаровий даъвогарлар Г.Менгқобилова, А.Нугманов ва У.Мирзакаримоваларнинг унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, қарамоғида уч ёшга тўлмаган вояга етмаган фарзанди борлигини, ота-онаси содир этган жиноятлари учун озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб келаётганини, оилада ягона боқувчи эканлигини, бошқа бу ҳолатни такрорламаслигини билдириб, суддан унга енгил жазо тайинлашни сўради.

Суд, иш бўйича тўпланган далилларга баҳо бериб, судланувчи М.Сангинова (Деҳқонова)нинг жиноят содир этганликдаги айби, унинг судда айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатмаларидан ташқари, муҳокама қилинган қуйидаги далиллар йиғиндиси билан исботланган деб ҳисоблайди.

Суд тергови жараёнида жабрланувчи-фуқаровий даъвогар Г.Менгқобилова судга ариза билан мурожаат қилиб, дастлабки тергов жараёнида унга етказилган 200.000 сўм зарар [REDACTED] томонидан тўлиқ қопланганлиги, ҳозирда оилавий шароити сабабли



суд мажлисига келолмаслиги ва суд мажлисини унинг иштирокисиз кўриб чиқишни ҳамда судланувчига нисбатан қонун доирасига энгилроқ жазо тайинлашни сўраган.

Суд тергови жараёнида жабрланувчи-фуқаровий даъвогар А.Нугманов судга ариза билан мурожаат қилиб, дастлабки тергов жараёнида унга етказилган 480.000 сўм зарар М.Сангинова (Дехқонова) томонидан тўлиқ қопланганлиги, ҳозирда Фарғона вилоятида эканлиги сабабли суд мажлисига келолмаслиги ва суд мажлисини унинг иштирокисиз кўриб чиқишни ҳамда судланувчига нисбатан қонун доирасига энгилроқ жазо тайинлашни сўраган.

Суд тергови жараёнида жабрланувчи-фуқаровий даъвогар У.Мирзакаримова судга ариза билан мурожаат қилиб, дастлабки тергов жараёнида унга етказилган 950.000 сўм зарар [REDACTED] томонидан тўлиқ қопланганлиги, ҳозирда оилавий шароити сабабли суд мажлисига келолмаслиги ва суд мажлисини унинг иштирокисиз кўриб чиқишни ҳамда судланувчига нисбатан қонун доирасига энгилроқ жазо тайинлашни сўраган.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, адвокат А.Хусанбоевнинг фикрини, судланувчининг кўрсатувларини тинглаб, М.Сангинова (Дехқонова)нинг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатуви, У.Мирзакаримова ва А.Нугмановларнинг аризалари, тушунтириш хатлари, воқеа жойини кўздан кечириш, ашёвий далилни олиш баённомалари ва фотожадваллар, нарсаларни ашёвий далил деб топиш қарори ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб ҳисоблайди.

Дастлабки тергов органи томонидан М.Сангинова (Дехқонова)нинг содир этган жиноий ҳаракатлари 2 ва 3-эпизодлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми “а” банди, 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган бўлса-да, 1-эпизод бўйича Жиноят кодексининг 169-моддаси 2-қисми “в” банди билан нотўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 23-моддасининг 3-қисмига кўра, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак, 463-моддасининг 1-қисмига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади.



Ваҳоланки, жиноят иши ҳужжатларида 1 ва 2-эпизодлар бўйича М.Сангинова (Деҳқонова)нинг Г.Тобоева билан биргаликда бир гуруҳ бўлиб, ўғирлик жиноятини содир этганлигини тасдиқловчи бирон-бир объектив далил мавжуд эмас.

Судланувчи [REDACTED] дастлабки тергов ва суд жараёнида, унинг Г.Менгқобилова ва А.Нугмановларнинг дўконидан кийим ўғирлаганини Тобоева Гулшан кўрмаганини, мазкур дўконлардаги ўғирликни фақат бир ўзи содир қилганини, Гулшан фақат У.Мирзакаримованинг дўконидан бир дона аёллар кийимини ўғирлаганини, шунингдек, Гулшан унга кийимларни ўғирлашда ҳеч қандай ёрдам бермагани ҳақида кўрсатув берган.

Дастлабки тергов жараёнида айбланувчи тариқасида сўроқ қилинган Г.Тобоева, жабрланувчилар Г.Менгқобилова ва А.Нугмановнинг савдо дўконларидан ҳеч нарса олмаганини, М.Сангинова (Деҳқонова)нинг Г.Менгқобилонани дўконидан бир дона узун аёллар кўйлаги ҳамда А.Нугмановнинг дўконидан беш дона аёллар кўйлагини ўғирлаганини, уларни ИИБ ходимлари ушлаган вақтида билгани ҳақида кўрсатув берган.

Бундай ҳолатда, 1 ва 2-эпизодлар бўйича М.Сангинова (Деҳқонова)нинг ҳаракатларини бир гуруҳ бўлиб, ўғирлик жиноятини содир этганликда ифодаланган жинойий ҳаракатлар сифатида баҳолаб бўлмайди.

Шу сабабли суд, 1-эпизод бўйича М.Сангинова (Деҳқонова)нинг содир этган жинойий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 2-қисми “в” бандидан шу модданинг 1-қисмига қайта квалификация қилишни, 2-эпизод бўйича унинг айбидан бир гуруҳда жиноят содир қилганлик белгисини чиқаришни лозим деб топади.

Суд, [REDACTED] га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 33-моддаси талабидан келиб чиқиб, жиноятлар мажмуи бўйича Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан жазо тайинлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида: “Жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги, 37-бандида: “ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо



тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозим”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи М.Сангинова (Дехқонова)га жазо тури ва миқдорини белгилашда, унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, қарамоғида уч ёшга тўлмаган бир нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, жабрланувчи-фуқаровий даъвогарларга етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини, жабрланувчи-фуқаровий даъвогарларнинг судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, унинг ғаразли ниятларда жиноят содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, судланувчи М.Сангинова (Дехқонова)нинг қарамоғида уч ёшга тўлмаган бир нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, жабрланувчи-фуқаровий даъвогарларга етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини, жабрланувчи-фуқаровий даъвогарларнинг судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини инobatга олиб, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, унга нисбатан Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаган ҳолда қонун санкциясида назарда тутилмаган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни,

-судланувчи [REDACTED]га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 59-моддаси 8-қисми тартибида, жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судининг 2021 йил 26 ноябрдаги ҳукми билан тайинланган озодликни чеклаш жазосининг ўталмаган қисмини янги тайинланган жазога қисман қўшиб, узил-кесил ўташ учун озодликни чеклаш жазосини тайинлашни;

- Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 62-моддасига асосан, [REDACTED]нинг 2021 йил 28 июль кунидан 2021 йил 29 июль кунига қадар ҳамда 2022 йил 8 январь кунидан 2022 йил 10 февраль кунига қадар қамоқда сақланган ҳар бир кунини озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштириб ҳисоблаб, узил-кесил озодликни чеклаш жазосини қолдиришни;

-жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судининг 2022 йил 9 январдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланувчи тариқасида жалб қилинган М.Сангинова (Дехқонова)га нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилганлигини эътироф этишни лозим топади.



Шунингдек, суд иш бўйича жабрланувчи-фуқаровий даъвогарлар Г.Менгқобилова, А.Нугманов ва У.Мирзакаримоваларга етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги ва уларнинг судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини эътироф этишни лозим деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, суд иш юзасидан ашёвий далил деб топилган жами 9 дона кийимларнинг дастлабки тергов жараёнида жабрланувчи-фуқаровий даъвогарлар Г.Менгқобилова, А.Нугманов ва У.Мирзакаримоваларга тилхат асосида қайтарилганлигини эътироф этишни ҳамда видеотасвирлар ёзилган бир дона DVD дискни жиноят ишида сақлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473-моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбли деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан, Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб, 3 (уч) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 59-моддаси 8-қисми тартибида, жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судининг 2021 йил 26 ноябрдаги ҳукми билан тайинланган озодликни чеклаш жазосининг ўталмаган қисмини янги тайинланган жазога қисман қўшиб, узил-кесил ўташ учун 4 (тўрт) йил 7 (етти) ой озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 62-моддасига асосан, []нинг 2021 йил 28 июль кунидан 2021 йил 29 июль кунига қадар ҳамда 2022 йил 8 январь кунидан 2022 йил 10 февраль кунига қадар қамоқда сақланган ҳар бир кунини озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштириб ҳисоблаб, узил-кесил ўташ учун 4 (тўрт) йил 5 (беш) ой 25 (йигирма беш) кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

Озодликни чеклаш жазоси М.Сангинова (Деҳқонова)нинг яшаш манзили: Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар, Беруний кўчаси, 53-уйда соат 22:00 дан 06:00 га қадар ўташ белгилансин.

[]га ҳукми ижросини назорат қилувчи органнинг рухсатисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, кўнгилочар жойлар, ресторанлар, кафе ва барларга бормаслик, спиртли ичимликлар истеъмол қилмаслик, жиноятга мойиллиги бўлган шахслар билан алоқа ўрнатмаслик мажбуриятлари юклатилсин.



Жазони ўташ муддати М.Сангинова (Деҳқонова) жазоларни ижро этиш инспекцияларида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

_____га Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 48¹-моддаси 6-қисмига асосан, агар маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Жазони ижросини назорат қилиш Бекобод шаҳар ИИБ Пробация бўлими зиммасига юклатилсин.

_____га нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чораси бекор қилинсин ҳамда жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судининг 2022 йил 9 январдаги ажримига асосан М.Сангинова (Деҳқонова)га нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилганлиги эътироф этилсин.

Жабрланувчи-фуқаровий даъвогарлар Г.Менгқобилова, А.Нугманов ва У.Мирзакаримоваларга етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги ва уларнинг судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги эътироф этилсин.

Ашёвий далил деб топилган жами 9 (тўққиз) дона кийимлар жабрланувчи-фуқаровий даъвогарлар Г.Менгқобилова, А.Нугманов ва У.Мирзакаримоваларга тилхат асосида қайтарилганлиги эътироф этилсин.

Ашёвий далил тариқасида олинган видеотасвирлар ёзилган бир дона DVD диск жиноят ишида сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи-фуқаровий даъвогарлар ҳукм нухасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида Тошкент шаҳар судининг апелляция инстанциясига шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик этувчи:

Б.Икрамов

